

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2023 йил июнь ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман суди Поп тумани “А.Навоий” МФЙ биносига, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Бектемировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Шарипова, судланувчи Б.Неъматхўжаев, жабрланувчи Х.Каттаеванинг иштирокида, Неъматхўжаев Бекзодхон Шухрат ўғлига оид 1-1606-2302/160-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Неъматхўжаев Бекзодхон Шухрат ўғли,

1993 йил 26 декабрда Ўртачирчиқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, Тошкент шаҳридаги “метал заводи”да оператор, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Э.Хакимов кўчаси, 3-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 31 майда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Неъматхўжаев

2023 йил 30 апрель куни “Спарк” русумли, 10L 722RA давлат рақамли автомашинасини “Пунгон-Наманган” автомобиль йўлининг 6 км.да бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандидаги Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари, ҳаракатга тўсқинлик туғдирган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши кераклиги, 53-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш, қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш, айланиб ўтиш



ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши кераклиги, 77-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклиги, ҳаракатланишда ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ, пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги ҳақидаги талабларни қўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, бошқарувни йўқотиб, қарама-қарши томонда ҳаракатланиб келаётган М.Юсупов бошқарувидаги "Лабо" русумли

50J 307QA давлат рақам белгили автомашина билан тўқнашиб кетиши натижасида "Лабо" русумли автомашина саломида бўлган йўловчи Х.Каттаевага оғир шикаст етказганликда айбланган.

РСТЭИАМ Наманган филиали Поп туман бўлинмасининг 635/622-сонли экспертиза хулосасида, Х.Каттаеванинг тан жароҳатлари - ўнг елка суягини ўрта қисмидан спиралсимон синиб силжиши кўринишида бўлиб, оғир шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Б.Неъматхўжаев суд мажлисида, судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етгани, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда у билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олгани, ўртадаги ярашувга рози эканини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Каттаева судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, Б.Неъматхўжаев томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олгани, ҳозирда даволаниши учун кетган харажатлар судланувчи томонидан қоплангани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, Б.Неъматхўжаевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Х.Каттаева ва судланувчи Б.Неъматхўжаевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор фикрини эшитиб, судланувчи Б.Неъматхўжаевнинг айбига тўлиқ иқроорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қоплангани, уни судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, жабрланувчига ҳамда судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, судда ўзаро ярашув ҳақида ўз ихтиёрлари билан ариза ёзиб берганликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, жабрланувчи Х.Каттаевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ярашув суд томонидан тасдиқланса, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириб, Б.Неъматхўжаевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шунингдек, суд Б.Неъматхўжаевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилишни, жиноят ишига илова қилинган Б.Неъматхўжаевга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасини тилхат орқали ўзига қайтаришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Неъматхўжаев Бекзодхон Шухрат ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Неъматхўжаев Бекзодхон Шухрат ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.
Жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин, Б.Неъматхўжаевга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси Б.Неъматхўжаевга қайтарилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи (имзо)

А.Кенжабаев

“Аслига тўғри”

Туман судининг судьяси

А.Кенжабаев

Маъсул судья: Кенжабаев Акмал Ахматжанович

